

**ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ ТАРБИЯДА ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ МАДАНИЙ
МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИШ**
Хайдарова Халима Норматовна

Тошкент давлат аграр университети доценти

Жўраев Муслимжон Камолиддин ўғли

Тошкент давлат аграр университети магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6944355>

Аннотация. Мазкур маколада экологик тарбия жараёнида, ўзбек халқининг маданий меросидан фойдаланиши, уни ёшлар онгига сингдирив бориши, халқимизнинг тарихан таркиб топган экологик маданий меросини ўрганишининг зарурийлиги, ҳамда шу асосда атроф-муҳитни муҳофаза қилиши табиий ресурсларни асраб-авайлаш, улардан оқилона фойдаланишининг қатъий қоидасини яратиш кераклиги, ўзбек халқи орасида қогозларда ёзилмаган, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган, охирги вақтларда бир мунча унумтилаётган маданий меъросимизни экологик тарбия жараёнида, ўқувчи ва талабаларга ўргатиш, амалда қўллаш орқали табиатни, табиий ресурсларни тежсаб, фойдаланиши принциплари ҳақида маълумотлар баён этилган.

Калим сўзлар: табиий ресурслар, замонавий технология, чиқитсиз технология, маданий мерос, экологик тарбия, қатъий қоида, атроф-муҳит, таълим-тарбия, экологик норма, тежсамкорлик, экологик танглиқ, атроф-муҳитни муҳофаза қилиши.

**ИСПОЛЬЗОВАНИЕ КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ УЗБЕКСКОГО НАРОДА В
ЭКОЛОГИЧЕСКОМ ОБРАЗОВАНИИ И ВОСПИТАНИИ**

Аннотация. В этом эссе, в процессе экологического образования, использования культурного наследия узбекского народа, необходимость изучения молодого поколения, защиты окружающей среды, строгие правила защиты природных ресурсов, их рациональное использование, определяет информацию о принципах спасения и использования природы, природных ресурсов и практического обучения и практики в области экологического образования, которые передаются из поколения в поколению.

Ключевые слова: полезные ископаемые, современная технология, безотходная технология, духовное наследство, экологическое воспитание, строгие правила, окружающая среда, образование-воспитание, экологическая норма, бережливость, экологическое напряжение, охрана окружающей среды.

**USING THE CULTURAL HERITAGE OF THE UZBEK PEOPLE IN ECOLOGICAL
EDUCATION**

Abstract. In this essay, in the process of ecological education, use of cultural legacy of uzbek society, need of studying young generation, protecting the environment, strict rules of securing natural resources, rational usage, determines information about the principles of protecting nature, using natural resources and practical teaching and practicing in sphere of ecological education, which passes down from generation to generation.

Keywords: natural resources, modern technology, zero waste technology, spiritual legacy, ecological education, strict rules, environment, education, ecological norm, thrift, ecological tension, conservation.

КИРИШ

Ҳозирги XXI асрда инсониятни ҳавф остида қолдираётган ҳодисалардан бири экологик вазият ҳисобланади. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш, экологик норма, табиий бойликларни келгуси авлодларга тежамкорлик билан фойдаланиб етказиш бугунги куннинг долзарб муаммолари дидир. Ўрмонлар сув ҳавзалари, тупрок, атмосфера ҳавоси, ўсимлик ва ҳайвон турлари камайиб боришининг олдини олиш учун табиатни ўрганиш ва унинг қонуниятларини эгаллаш зарур.

Бунинг учун эса ёшларга экологик таълим-тарбия бериш ниҳоятда долзарб ҳисобланади.

Ушбу мақолада айнан экологик тарбия ва унинг самарадорлигини оширишда халқимизнинг экологик-маданий меросидан фойдаланиб таълим-тарбия беришдек долзарб масала кўтарилиган.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ёшларга экологик тарбия беришда, биринчи навбатда халқнинг тарихан таркиб топган экологик-маданий меросини ўрганиш зарур ҳамда унинг асосида жамият ҳаётидаги ҳозирги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва ресурсларнинг барча турларидан оқилона фойдаланиш қоидасининг қатъий тизимини яратиш керак.

Жамият ва табиатнинг ўзаро муносабатида экологик тангликтин сақлашнинг биринчи ва асосий принципи, юқорида таъкидланганидек, инсоннинг табиатга таъсири энгоз миқдор даражасига келтириш ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда жамият олдидағи муҳим вазифалардан бири табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳисобланади.

Мазкур муаммони ҳал этиш йўлларидан бири ишлаб чиқарувчилар учун қатъий қоидаларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллашдан иборат. Махсулотларни ишлаб чиқаришда барча тур ресурслар, ҳатто улар тўлиб-тошиб ётган ҳолда ҳам, замонавий технология имкон берадиган даражада энг кам миқдорда сарфланиши керак, бу биринчи ва мажбурий қоида бўлиши шарт.

Буюмларнинг хизмат муддатини иложи борича узоқроқ чўзиш ҳамда умрини ўтаб бўлган буюмлардан, албатта, иккиласми хом-ашё сифатида фойдаланиш табиатдан фойдаланишдаги иккинчи қоида бўлиши керак.

Бундан ташқари замонавий хўжалик юритишнинг учинчи қоидаси ҳисобланадиган чиқитсиз ишлаб чиқаришга зудлик билан ўтиш давр тақозосидир. Акс ҳолда, инсоният ишлаб чиқариш жараёнлари чиқиндиларига кўмилиб қолади.

Марказий Осиё ҳалқлари, шу жумладан ўзбек ҳалқи орасида қоғозларда ёзилмаган бир қонун мавжуд бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келган. Бу ҳар қандай шароитда энг кам миқдорда хом-ашё, куч, вақт ҳамда инсон меҳнатидан фойдаланиш борасидаги қатъий қоидадан иборат. Бу албатта меҳнат ресурсларига ҳам тегишилдири. Халқимиз орасида "увол" деган сўз жуда кенг тарқалган эди. Лекин ҳозирги вақтда бу сўз кам ишлатилади.

Табиат унсурларини ортиқча сарфлаш: бевоситауларнинг ўзидан бемақсад фойдаланиш увол ҳисобланарди.

Бемаврид айтилган сўз ҳам, эътиборсиз қолдирилган гап ҳам, ҳатто эрмакка тупурилган тупук ҳам увол ҳисобланарди. Увол ҳақидаги қоида одамларнинг бой ёки камбағаллигига қарамасдан ҳамма учун баб-баравар тегишили эди. Увол қилмаслик, ножӯя ҳеч қанақа иш бажармаслик, бекорга сарф қилмаслик, тежамкор бўлиш барча

замондошларимиз ўйлаганларидек хасислик белгиси эмас. Бу юксак маданият, шу жумладан экологик маданият белгисидир. Агар чуқурроқолиб қаралса, ишлаб чиқариш маданияти, истеъмол маданияти, турмуш маданияти, ўзаро муносабат маданияти ва ҳакозолардир. Тежкамкорлик хислати ёш авлодга болаликдан сингдирилиб борилар ва то умрининг охиригача сақланиб қоларди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Ўзбекистонда ҳунарманд усталар касбларига кўра гурухланарди: кулоллар, темирчилар, мисгарлар, тўқувчилар, этикдўзлар, маҳалла, ҳатто даҳаларни ташкил киларди. Мазкур ишлаб чиқаришлар асосан чиқитсиз ҳисобланарди.

Умрини ўтаб бўлган барча маҳсулотлар кўрининшини кучли даражада йўқотган ҳамда эстетик жиҳатдан кўримсиз ва тузатиш имконияти бўлмаса латтафурушга иккиласми маҳсулот сифатида топшириларди, ҳатто бу иш иккинчи ва учинчи бор ҳам тақрорланиши мумкин эди. Одамларнинг ана шундай тежамкорлиги ва эҳтиёткорлигига буюмларнинг юксак сифатли қилиб тайёрлаганлигини қўшсак, дастлабки хом-ашё сақлаш қанчалик кам бўлганлиги ойдин бўлади.

Собиқ Иттифоқ даврида ота-боболаримиз бутун тарихий давр мобайнида сарфлаган қазилма бойликлардан кўпроқ бойликларни, қисқа муддат ичида ишлатилиб юборилган. Буни биз инсоннинг табиатни бўйсундиришининг тимсоли деб мақтаниб ҳам юрдик.

Ота-боболаримиз Она Ерни ҳурмат қилишган, уни рисқ-рўзимиз деб билишган. Ерга етарли ишлов бермасдан, текинга ҳосил ундиришга интилиш, бежиз таёқ уриш гуноҳ ҳисобланган. Ҳатто, яроксиз ерлардан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилишган.

Хайдаладиган ерлар ҳамда яйловлар нисбати қатъий сақланарди. Аҳоли учун зарур бўлган ерлардангина фойдаланишга ҳаракат қилинарди. Экинзорлар, яйловлар етарли бўлиб, чорва моллариқўпроқ боқиларди, чунки улар гўшт, сут, ёғ манбаи бўлиши билан бирга ҳунармандлар, этикдўзлар, тўқувчилар учун хом-ашё базаси ҳам эди. Табиатнинг бир қисми асл ҳолида сақланарди ҳамда экологик мувозанатни сақлаш учун хизмат қиласи эди.

Марказий Осиё минтақаси қурғоқчил ўлка ҳисобланганлиги учун бу ерда сув қадим-қадимдан олтин мисоли қадрланганлиги маълум. Халқимиз "сув бор жойда ҳаёт бор" деб бежиз айтмаган. Шу сабабли ўлкамизда сувни азалдан авайлаб асрашган ҳамда жуда тежаб-тергаб фойдаланишган. Сувни исроф қилиш увол ҳисобланган. Суғориш ишларида тежамкорликка қатъий риоя қилинган. Ариқлар аксарият айланма қилиб олиниб, жўяклар бўғиб-бўғиб суғорилган.

Уй-жой қурилишини олсак, маҳаллий табиий унсурлардан тикланган уйлар ва бошқа қурилишлар илгари ўта тежамкор усул билан оқилона қурилган. Улар асосан лойдан тикланган, уларнинг томлари эса терак ҳарилар билан ёпилган. Уй-жой учун ёғоч ускуналар етарли бўлган, чунки ҳар бир оиласда ўғил туғилганда бир иморатга етгулик терак экиб қўйилган. Турар жой майдони оқилоналик билан юзага келтирилган. Ёш оиласарга даҳлизли бир хона берилган. Бундай уйларнинг умумий майдони $25-30\text{ m}^2$ бўлиб, улар фарзандлари 5-6 ёш бўлгунича бирга яшашган.

Ишлаб чиқариш Ўзбекистонда асосан майда ишлаб чиқариш орқали ривожланган. Ишлаб чиқарувчи ўз буюмларини ҳаридорнинг кўз ўнгидаги дўконда тайёрланган ва ўша ернинг ўзида сотилган.

Одамларнинг шахсий кийим-кечаклари, зебу-зийнатлари ҳам ортиқча кўз-кўз қилинмаган. Ҳатто, бой одамлар ҳам тилла буюмларини шунчаки тақиб юришни одобсизлик ҳисоблаганлар. Тарихан шаклланиб, авлод-аждодларимиздан мерос бўлиб келган бу кўникмалар, аҳлоқий қоидалар жамият тараққиёти нотўғри йўлга тушганлиги туфайли унитила бошланди. Уларнинг ўрнига умуминсоният аҳлоқига ёт бўлган бозорга солиш, зебу-зийнат, тақинчоқ ва кийим кечакларига учлиқ, мақтандоқлик каби салбий, ижтимоий сифатлар эгаллай бошлади.

Халқимизда овқатланиш ҳам жуда оқилоналиқ билан йўлга қўйилган эди. Ошқовок, қовун, шолғом ва бир қатор бошқа мевалар пайғамбаримиз таоми ҳисобланарди. Нафсни тийиш, нафс балосига учмаслик маданиятнинг белгиси эди.

Аҳолининг экологик кўникмалари унсурларидан бири, экологик маданиятнинг кўрсаткичи атроф-муҳитни озода тутиш, шу жумладан танани, яшаш ва жамоат жойларини, табиатни тоза сақлашдан иборат ҳисобланади. Хонадонлардан озиқ-овқат чиқиндилари молларга, итларга бериш одат бўлиб, агар хўжаликда бундай ҳайвонлар бўлмаса, кўшниларга олиб чиқиб берилар эди.

Бундай одатларни қайта тиклаб, уларни тарғиб қилиш ўз оиласига сингдириш ижтимоий муҳитнинг яхшиланишига олиб келади. Бу инсоннинг тинч, осойишта яшашига кафолат бўлади, саломатлигига ижобий таъсир қиласи, умрини узайтиради.

Қадимда дехқончилик мавсуми эрта баҳорда ариқларни тозалаш ва қазиш, ховузларни, уватларни тартибга келтириш, йўл ва кўприкларни тузатишдан бошланарди. Бу ишларнинг ҳаммаси ҳашар йўли билан бошланиб, оиласа каттаюичик ҳашарда иштирок этарди. Ҳашарда жисмоний жиҳатдан кучи етмаганлар, овқатлар тайёрлашар, ҳашар кечга бориб байрамга айланиб кетарди. Оқар сувлар ариқларнинг то бошидан охиригача тоза ва тиник сақланарди. У санитария жиҳатдан тоза бўлиб, дуч келган жойда ичиш мумкин эди. Сувга бирон нарса ташлаш асло мумкин эмас эди. Сувга ҳурматсизлик қилган киши ўз жазосини олар эди. Мабодо бунда ўттиз йиллар муқаддам ҳам кимdir сувга тупурганини кўрса, одамлар уни жинни деб ўйлашар эди.

МУҲОКАМА

Мана шулардан кўриниб турибдики, халқимизнинг экологик маданияти қадимдан юксак бўлган. Биз буни яхшилаб ўрганишимиз ҳамда ундан ҳозирги шароитда фойдаланиш имкониятларини қидириб топишимиз керак.

Ўтмишда Амударё ва Сирдарё сувидан фойдаланишга асосланган сугориш тизими Марказий Осиё ҳудудида дехқончилик характеристи ва унинг жойланиши, моддий ва маънавий маданиятнинг ривожланиши ҳамда диний анъана ва маросимларнинг генезисини белгилаб беради.

Сув ҳақида кўпгина ривоятлар, ҳикматлар ва афсоналар мавжуд бўлиб, уларда сувнинг энг қадрли неъмат, тирик организмлар учун зарур восита эканлиги қайд этилади:

Сув ҳаёт, мўл-кўлчилик, фаровонлик манбаидир.

Сув - зар, сувчи - заргар.

Сув ёруғлик.

Сув таралар тупроққа, аро берар япроққа.

Сувсиз ерга қуши қўнмас, ўтсиз ерга юрт қўнмас.

Сувсиз ерда тол бўлмас, қовоғарида бол бўлмас.

Сув ичаётганга илон тегмас.

Элнинг ҳаёти ер билан, ер ҳаёти сув билан.
Ариқдан сув узилмаса, саватдан нон аримас.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, Марказий Осиё худуди туб халқлари онгига экологик маданият тўла мужассам бўлган. Тўғри у вақтларда аҳоли сони анча оз, урбанизация даражаси паст, табиий бойликлардан фойдаланиш даражаси ҳам ниҳоятда кам бўлган. Лекин халқлар юксак экологик маданиятга эга бўлган. Одамлар орасида "савоб", "увол", "қаргии", "харом", "бировнинг (ёки етимнинг) ҳақи", "тарозидан урма", "ўғирлик қилма", "сутга сув қўшина", "ҳайвонларга озор берма", "сувга супринди ташлама", "ноннинг ушоги ҳам нон, уни ерга ташлама" ва шу каби қатор ибора ва тушунчалар мавжуд эдики, айрим ёшларимиз булар тўғрисида унчалик тасаввурга эга эмаслар. Шунинг учун ҳам ўша вақтларда табиат жуда ардоқланар эди. Ҳар бир табиат неъмати бу Оллоҳнинг бизга берган неъмати, марҳамати, биз уни юксак даражада ҳурмат билан авайлаб-асрашимиз лозим дейилади. Халқ табиат ноз-неъматларига, дараҳт, бута, ўт ўсимликлари, ҳайвонот олами, сув, ҳаво, тупроқ, замин, нон, озиқ-овқат ва бошқа шу кабиларни зўр эҳтиром билан ҳурмат қилган. Озодаликка катта аҳамият берилган. Ватан остоидан бошланади дейилганидек, ҳар куни ҳовли, кўча, эшик олди супурилар ва сув сепиб нураган жойлар мунтазам таъмирланиб турилган. Ахир ўша вақтлардан қолган-ку қуидаги доно хикматлар: "сувга тупирма"; "қудуққа тош ташлама"; "сувга мағзава оқизма"; "ерни урма"; "нонни ташлама - увол бўлади"; "қушиларни ўлдирма - қаргайди"; "товоқда овқат қолдирма, ялаб қўй, савоб бўлади" ва б. Жуда одобли хикматлар муқаддас китобларимиз куръони Карим ва Хадису шарифларда келтирилган. Биз уларга ҳар доим риоя қилишимиз лозим. Дарҳақиқат, халқимизнинг қадимги урф-одатлари, анъаналари, табиат тўғрисидаги катта маънога эга бўлган доно ҳикматларига минг йиллар давомида қулоқ солиб, ундаги тавсияларга итоат қилиб келинган. Бундан бўён ҳам, айниқса, ҳозирги мустақиллик шарофати катта эркинликлар берган бир пайтда уларга катта ҳурмат билан қарашимиз ва ҳаётда жуда синалган одатларимизга, қадриятларимизга содик қолишимиз, ёшларга булар тўғрисида тез-тез гапириб туришимиз, ундашимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

REFERENCES

1. И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизлик, таҳдид, барқарорлик шароитлари ва тараққиёт кафолатлари” Тошкент, “Ўзбекистон” 1997 йил.
2. Табиат, жамият, маънавият “Президент И.А.Каримов асарларида экология масалаларининг яратилиши” Экологик таълим ва тарбия учун қўлланма. “Ўзбекистон” 2009 йил.
3. А.С.Тўхтаев, Х.Н.Хайдарова “Ижтимоий экология”, Тошкент, 2005 йил.
4. Х.Н.Хайдарова, Ш.Т.Якубжонова, З.Баходирова “Экология ўқитиш методикаси” Тошкент, 2009 йил.
5. Х.Н.Хайдарова, Г.К.Сапарова “Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси”, Тошкент, 2021 йил.
6. Мусахоновна Қ. Л. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БИОЛОГИЯ ФАНИДАН САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В3. – С. 577-585.

7. Dzhuraev R. K., Karakhanova L. M. Model of the organization of research activities of 10th grade students in teaching physics and biology //International journal of discourse on Innovation, integration and education. – 2021. – Т. 2. – №. 01. – С. 296-300.
8. ДЖУРАЕВ Р. Х., КАРАХАНОВА Л. М. Модель организации исследовательской деятельности учащихся 10 классов при преподавании физики и биологии //International journal of discourse on Innovation, integration and education. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 295-299.
9. Musokhonovna K. L. ICT-As a means of achieving new educational results in teaching natural disciplines in secondary schools //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 10. – С. 315-321.
10. Kharaxonova L. M. SPECIFIC ASPECTS OF MEDIA EDUCATION AND ITS USE IN HIGH SCHOOLS //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. CSPI conference 3. – С. 278-284.
11. Каражанова Л. 6. DEVELOPMENT OF STUDENTS'KNOWLEDGE BASED ON THE USE OF 3D EDUCATIONAL TECHNOLOGIES IN THE BIOLOGY EDUCATION //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2020. – №. 2. – С. 55-59.
12. Джураев Р. Х., Каражанова Л. М. Медиаобразование как фактор повышения качества обучения школьников //Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития. – 2013. – Т. 11. – №. 2. – С. 322-323.
13. Сафарова Р. Г. и др. Ўқувчи-ёшларни оммавий маданият хуружларидан ҳимоя қилишнинг назарий-методологик асослари. – 2017.
14. Karakhanova L. M. USE OF MEDIERE RESOURCES IN THE EDUCATIONAL PROCESS OF BIOLOGY IN SCHOOLS //International Scientific Review of the problems of pedagogy and psychology. – 2018. – С. 68-70.
15. Karakhonova L. M. Using the electronic educational resources in biology lessons //INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS OF PHILISOPHY, PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY. – 2019. – С. 35-39.
16. Jurayev, R. K., & Karakhanova, L. M. (2020). Scientific And Methodical Bases Of The Use Of Electronic Educational Resources In Teaching Biology In General Educational Schools. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(8), 3500-3505.
17. Musaxonovna, K. L. (2022). General secondary schools requirements for the introduction of informed educational resources for the development of natural sciences. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 12(5), 855-860.
18. Каражанова Л. М. НОВЫЕ ИНТЕРАКТИВНЫЕ ЭЛЕКТРОННЫЕ РЕСУРСЫ В СОВРЕМЕННОМ ОТКРЫТОМ ОБРАЗОВАНИИ В ОБУЧЕНИИ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. CSPI conference 1. – С. 1303-1305.
19. Джураев, Р. Х., & Каражанова, Л. М. (2022). ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ СОПРОВОЖДЕНИЕ ОДАРЕННЫХ ДЕТЕЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫМИ УЧРЕЖДЕНИЯМИ. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL, 3(4), 66-70.
20. ДЖУРАЕВ Р. Х., КАРАХАНОВА Л. М. Модель организации исследовательской деятельности учащихся 10 классов при преподавании физики и биологии

//International journal of discourse on Innovation, integration and education. – 2021. – T. 2.
– №. 1. – C. 295-299.